




КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ КУН ТАРТИБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 сентябрь куни Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт ва молия вазири Чху Гён Хо бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Бош вазир ўринбосари Чху Гён Хо давлатимиз раҳбарига Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёлнинг саломи ва энг эзгу тилакларини etkazди.

Сўхбатда азалдан яқин дўстлик ришталарига, халқларимизнинг менталитети, анъана ва қадриятлари ўхшашлигига асосланган икки томонлама алоқалар изчил ривожланиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Жанубий Корея билан кенг кўламли ҳамкорликнинг янги иқтисодий кун тартибини шакллантириш масалаларига тўхталди.

Кейинги йилларда ўзаро савдо ва инвестиция кўрсаткичлари барқарор ошиб бормоқда. Утган йилда товар айирбошлаш 24 фоизга кўпайди. Мамлакатимизда қарийб 1 мингта қўшма корхона фаолият юритмоқда, Кореядан инвестициялар ҳажми 7 миллиард доллардан ошди.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги, Корея Эксимбанки ва унинг фондлари билан кўп йиллар давомида самарали ҳамкорлик қилинаётгани, улар билан биргаликдаги лойиҳаларнинг умумий портфели 3 миллиард доллардан зиёдни ташкил этгани юқори баҳоланди.

Муваффақиятли амалга оширилган қўшма лойиҳалар қаторида кўп тармоқли болалар шифохонаси, тўқимачилик технопарки, қишлоқ хўжалиги

машинасозлиги ва нодир металллар бўйича марказлар қайд этилди.

Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари билан технологик ва инвестициявий шериклиқни кенгайтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни жадаллаштириш, инфатизилма, “яшил” энергетика, давлат бошқаруви, молия, рақамлаштириш ва кадрлар тайёрлаш борасидаги қўшма лойиҳаларни илгари суриш амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида кўрсатиб ўтилди.

Икки мамлакат ҳудудлари ўртасида самарали мулоқотларни йўлга қўйиш ва маданий-гуманитар алоқаларини фаоллаштириш учун кенг имкониятлар борлиги таъкидланди.

ЎЗА

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли анжуман иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азиятларни қадимий ва гўзал Самарқанд шаҳрида озиқ-овқат хавфсизлигига бағишлаб ўтказилаётган халқаро конференциянинг очилиши билан чин қалбимдан табриклайман.

Маъмур анжуманда дунёнинг 32 та давлатидан 620 нафардан зиёд хорижий меҳмон ҳамда 30 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотдан вакиллар қатнашаётгани унга жаҳон миқёсидаги катта қизиқиш ва эътибордан далолатдир.

Албатта, ушбу конференция учун айнан Самарқанд шаҳри танлангани бежиз эмас. Қарийб уч минг йиллик тарих ва маданиятга эга бўлган бу қўҳна шаҳар асрлар давомида Буюк ипак йўлидаги муҳим чорраҳа бўлиб келган.

Сизларга яхши маълумки, озиқ-овқат хавфсизлиги, уни барқарор этиштириб бериш, очлик ва қашшоқликка қарши кураш масалалари бугун ҳам ўта долзарб бўлиб қолмоқда.

Сўнгги ўн йилларда “яшил инқилоб” ва инновацион технологияларнинг кенг жорий этилиши тўғрисида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш тизимида заңжирларнинг узилиши ва нархлар ошишига сабаб бўлди.

Бундан, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар жабр кўрмоқда. Глобал иқлим ўзгаришлари, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тизимига инвестиция ҳажми кмайиши вазиятни янада оғирлаштирмоқда. Бу эса Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни хавф остида қолдиришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш жанобларининг 2021 йилда озиқ-овқат тизимлари бўйича глобал саммит ўтказиш борасидаги ташаббусини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Бугунги анжуман ана шу саммитнинг мантиқий давомидир.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги экинларининг серхосил, ташқи таъсирларга чидамли навларини яратиш, чорва наслини яхшилаш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Фермерлар ва кичик ишлаб чиқарувчиларга ахборот-консалтинг марказларини ташкил этиш, уларни ресурс тежайдиган илғор технология ва усуллар бўйича қўлтиш учун агро-консалтинг хизматлари сифатини тубдан яхшилаш ҳам долзарб бўлиб бормоқда.

Замонавий технологиялар ва қишлоқ хўжалиги техникаси ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги фермерлар учун бир хилда очик ва ҳамёнбоп бўлиши керак. Биз халқаро молия институтларини ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг “яшил технологиялар”дан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича аниқ амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қақирамиз.

Биз энг зарур маҳсулотлар савдоси ва транспортировкасида тўлиқ эркинлик ҳамда озиқ-овқат юқлари ҳаракатини тартибга соладиган қоидаларни соддалаштириш тарафдоримиз. Савдо йўллари хавфсизлиги ва очиклигини таъминлаш давлатлараро муносабатларда ўзгармас тамойил бўлиб қолиши зарур.

Қадрли дўстлар! Ўзбекистон замини ўзининг қадимий ва бой деҳқончилик анъаналари, гўят хилма-хил, мазали ва ноёб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан азалдан шухрат қозониб келади.

Агротармоқ иқтисодиётимиздаги етакчи секторлардан бири бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳолимизнинг 27 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янада самарали ва ресурс тежайдиган соҳага айлантириш, қишлоқда аҳоли ҳаёт даражасини яхшилаш, халқимизни арзон ва барқарор нархларда хавфсиз ва витаминларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, соғлом овқатланишни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Бизнинг юртимиздан етишиб чиққан, Фарбда “Авиценна” деган ном билан шухрат қозонган буюк аллома Ибн Сино бобомиз ўрта асрлардаёқ “Кимки узоқ ва соғлом ҳаёт кечиришни истаса, аввало, овқатнинг сифати ва миқдорида эътибор қаратсин”, деб таъкидлаганлар.

Албатта, дунё аҳолиси ўртасида соғлом овқатланиш маданиятини шакллантириш — узоқ давом этадиган жараён. Бу мақсадга эришишда барча давлатлар ҳукуматлари, ишлаб чиқарувчилар, олимлар ва тиббиёт ходимлари яқин ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Сизлар конференция давомида ана шундай муҳим масалалар ҳақида атрафлича фикр алмашиб, глобал миқёсда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган янги ташаббус ва амалий тақлифларни ишлаб чиқасиз, деб ишонаман.

Меҳмондўст Ўзбекистон заминига хуш келибсиз! Мамлакатимизга таширфингиз мазмунли ва самарали бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

БМТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТИ БИЛАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 сентябрь куни Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори Цюй Дунъюини қабул қилди.



Учрашув аввалида мамлакатимиз етакчиси юқори даражали меҳмонни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг етакчи тармоқ тузилмаси раҳбари этиб қайта сайлангани билан кутлади ҳамда шу кунларда Самарқанд шаҳрида ўтаётган конференцияни қўллаб-қувватлагани ва унинг ишида шахсан иштирок этаётгани учун миннатдорлик билдирди.

ФАО бош директори Ўзбекистон Президентини глобал миқёсда долзарб бўлган мавзудаги ушбу халқаро конференцияни ўтказиш ташаббуси муваффақиятли рўёбга чиқгани ва тадбир

юксак даражада ташкил этилгани билан табриклади.

Озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солаётган бугунги хавф-хатарларга қарши, шу жумладан, минтақа даражасида курашиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Аграр тармоқни ривожлантиришдаги номунасосибликлар, сув ресурсларининг танқислиги, қўшимча қиймат яратишнинг узун ва самарасиз заңжирлари, логистикадаги узилишлар ва бошқалар барқарор ривожланиш учун асосий хатарлар сифатида қайд этилди.

Ўзбекистон ва ФАО ўртасида 2030 йилга қадар мўлжалланган янги ҳамкорлик дастурига қишлоқ хўжалигини илмий тадқиқотлар ва инновациялар асосида модернизация қилиш, аграр соҳани рақамлаштириш, молиявий қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан воситаларини амалга ошириш ва агрооziқ-овқат тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш бўйича қўшма тадбирларни киритишга келишиб олинди.

ЎЗА



ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ: БИРГАЛИКДА ҲАЛ ЭТИЛАДИГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Самарқандда ўтаётган халқаро анжуман иштирокчилари масалага шундай ёндашмоқда



Самарқанд яна дунё эътибори марказида. Шу кунларда азим шаҳарда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) билан ҳамкорликда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтмоқда.

Тадбирда 30 дан зиёд мамлакат вазирлари вакиллари, дипломатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтлари, илмий ташкилотлар, шуниингдек, Шаххай ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, Ислоом озиқ-овқат хавфсизлиги ташкилоти, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро ташкилотлардан 2 мингдан ортиқ мутахассис қатнашмоқда.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

Муҳтарам отахон ва онахонлар! Азиз опа-сингиллар! Қадрли ёшлар! Ҳурматли юртдошлар!

Сизларга яхши маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида инсон қадрини улуғлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, халқимизнинг тинчлиги ва сойишталлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимидаги туб ўзгариш

ва исллохотлар натижасида жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки барча вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар ва кенг жамоатчиликнинг умумий иши, муҳим вазифасига айланди.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари барча зарур куч ва воситалар билан етарли даражада таъминланиб, ваколатлари кенгайтирилди, самарали ишлаши учун уларга барча шароитлар яратиб берилди.

Хабарингиз бор, 2021 йилдан бошлаб юртимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича “**маҳаллабай ишлаш**” тизими татбиқ этилган эди. Унга қўра, ҳар бир маҳаллага алоҳида ёндашган ҳолда, манзилли иш олиб бориш амалиёти йўлга қўйилди. Жорий йилдан эса “маҳалла бешлиги” — “маҳалла еттилиги”га айлантирилиб, унинг фаолиятига аҳолининг ижтимоий муаммоларини аниқлаш ва ҳал этишга қаратилган “**жиноятларнинг ижтимоий профилактикасини амалга оширишга**” таянадиган янгича ишлаш тизими жорий қилинди.

Давоми 2-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ



Бошланиши 1-бетда

Энг асосийси, содир этилаётган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари бевосита аҳоли иштирокида жойларда муҳокама қилинадиган, жамоат хавфсизлиги учун масъуллар маҳалланинг ўзида ҳисобот берадиган бўлди.

Шу йилнинг ўтган даврида прокуратура органлари томонидан юртимизнинг барча ҳудудларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятни самарали ташкил этиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи ййгилишлари ўтказилиб, мазкур йўналишда ҳар бир ҳудуддаги криминоген вазиятдан келиб чиққан ҳолда манзилли чора-тадбирлар белгиланди.

Жиноятчиликка қарши кураш ҳолатини ўрганиш бўйича **4,5 мингга** яқин текширишлар ўтказилиб, прокурор назорати билан боғлиқ **6,5 мингдан орტიқ** ҳужжатлар қўлланилди.

Амалга оширилган чоралар ҳамда кенг жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда олиб борилган тизимли профилактик тадбирлар натижасида ўтган даврда **4 мингдан зиёд** маҳаллада жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Албатта, фаолиятимиздаги бундай ютуқлар ўзимизники. Айни пайтда ҳуқуқбузарликларни жиловлаш борасида олдимизда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолни ҳолатлар кўп эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида инсон қадри улуғланаётган ҳозирги тарихий шароитда бутун юртимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини асраш, адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида прокуратура органлари ходимларининг зиммасидаги масъулиятли вазифалар янада ортиб бораётганини биз — тизим ходимлари чуқур ҳис этмоқдамиз.



АЙНИҚСА, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОНЦЕПЦИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРНИ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ҲАР БИР ВИЛОЯТ, ШАҲАР, ТУМАН, ҚИШЛОҚ ВА МАҲАЛЛАНИ “ЖИНОЯТДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНТИРИШ” ҲОЯСИ АСОСИДА ТўЛИҚ АМАЛГА ОШИРИШ Бўйича бор куч ва имкониятларимизни йўналтирамыз. Бунда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва омиллари юзасидан тизимли ва илмий таҳлиллар ўтказиш йўлга қўйилади, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилади.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари айтган фикрларга мувофиқ, фаолиятимизда мавжуд муаммоларга ечим топиш, аҳоли учун хавфсиз шароитлар яратиш борасидаги ишларни жадаллаштириш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Президентимиз берган кўрсатмалардан келиб чиқиб, **қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида** прокуратура органлари томонидан бошқа идоралар билан ҳамкорликда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб олинди.

Энг аввало, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, “йўл хариталари” ва дастурларда белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси устидан қатъий тизимли назорат амалга оширилади.

Айниқса, Президентимиз томонидан тасдиқланган **Жамоат хавфсизлиги концепциясида** белгиланган мақсад ва вазифаларни мамлакатимиздаги ҳар бир вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллани **“жиноятдан холи ҳудудга айлантириш”** ҳояси асосида тўлиқ амалга ошириш бўйича бор куч ва имкониятларимизни йўналтирамыз. Бунда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва омиллари юзасидан тизимли ва илмий таҳлиллар ўтказиш йўлга қўйилади, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилади.

Иккинчидан, таҳлилларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида олдини олиш мумкин бўлган жиноятларнинг

45 фоиздан ортиги бевосита **маҳаллаларда** содир этилган.

Айни пайтда мамлакатимиз бўйича **1,7 мингга яқин** маҳаллада кримноген вазиятни яхшилаш — кечиктириб бўлмайдиган вазифамиздир. Шу боис, ҳар бир ҳудудда маҳалла раиси, профилактика инспектори, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, солиқ инспектори ва ижтимоий ҳодимдан иборат бўлган **“маҳалла еттилиги”**нинг фаолият самарадорлигини ошириш чораларини кўрамыз. Айниқса, уларнинг жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги билим, кўникма ва маҳорати ҳамда энг асосийси, фаолият самарасини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Шу мақсадда бошқа олий таълим муассасалари билан биргаликда Бош прокуратуранинг Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг малакали ходимлари ва профессор-ўқитувчиларини кенг жалб этган ҳолда **сайёр малака ошириш ййгинлари** ташкил этилади, “маҳалла еттилиги”нинг аҳоли орасида осойишталикни манзилли таъминлашга қаратилган фаолиятига ҳар томонлама методик қўмак берилади.

Ҳозирги вақтда оғир ва ўта оғир жиноятлар нисбатан кўпроқ содир этилган **716** маҳаллага Бош прокуратура ва вилоят прокуратураларининг раҳбар ходимлари бириктирилиб, вазиятни ўнглаш бўйича манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Албатта, йил якунига қадар маҳаллаларда тинчликни таъминлаш борасидаги барча ишлар мувофиқлаштириб борилади ва криминоген вазиятни яхшилашга эришилади.

Учинчидан, ёшлар тарбиясида **оиланинг, ота-оналарнинг масъулиятини** оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда таълим муассаса-

Бу борада биз катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган ҳурматли нуронийларимиз, оқила опа-сингилларимиз, азму шижоатли ёшларимиз, маҳалла фаолларига таянамиз.

Тўртинчидан, муайян тармок ва соҳаларга масъул бўлган идора ва ташкилотлар раҳбарлари ўз тизимида жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятида бевосита иштирок этиши ғоят муҳим ҳисобланади. Уларнинг иштироки жиноятларнинг сабаб ва омилларини бартараф этиш имкониятларини янада кенгайтириб, ўз соҳасида жиноятчиликни камайтириш, уни **“коррупциясиз соҳага”** айлантиришни жадаллаштиради.

Шу боис, идора ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан ўз фаолият йўналишида содир этилаётган жиноятларни чуқур ўрганиб, уларга чек қўйиш масалалари ҳам республика даражасида, ҳам жойига чиққан ҳолда муҳокама қилиниши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Бу жараёнлар устидан қатъий назорат ўрнатилиб, содир этилаётган жиноятлар, айниқса, коррупция ҳолатларига барҳам бериш бўйича комплекс таҳлилий ва амалий ишлар тизимли равишда олиб борилади.

Бешинчидан, бугунги шиддатли ахборот замонида жиноятчиликнинг янги турлари, жумладан, **кибержиноятчилик** кўпаймоқда. Сўнгги уч йилда бундай жиноятлар қарийб **25 баробар** ошган, фуқароларнинг катта миқдордаги пуллари **онлайн тарзда** ўғирланган.

Бундай жиноятларнинг олдини олиш учун профилактик чора-тадбирлар билан бир қаторда уларни фош этиш бўйича қатор ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида айнан шу йўналишда ўқитиладиган ҳамда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориладиган махсус кафедра, илмий-услубий марказ ва қувв лабораторияси ташкил этилди. Қисқа муддатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қўллаб-ҳодимлари ўқитилди.

Келгусида бундай тадбирларни янада кучайтириб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бушлиқларни бартараф этиш, фуқароларимизни кибер таҳдидлардан ҳимоя қилиш, мазкур соҳага замонавий дастурий-техник ечимларни ва янгилаш иш усулларини жорий этиш бўйича комплекс чоралар қўрилади.

Олтинчидан, жиноятчиликка қарши курашиш самараси **жиноят учун жазо муқаррарлигига** бевосита боғлиқ. Шу боис, турли яширин жиноий фаолиятларни фош этиш ҳамда жабрланган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини қўллаш жараёни жадаллаштирилади. Бунда барча саъй-ҳаракатларимиз янги самарали механизмларни татбиқ этишга қаратилади.

Айниқса, назорати бевосита прокуратура органларига юклатилган ер



ҲОЗИРГИ ВАҚТДА Оғир ва ўта оғир жиноятлар нисбатан кўпроқ содир этилган 716 МАҲАЛЛАГА БОШ ПРОКУРАТУРА ВА ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАЛАРИНИНГ РАҲБАР ХОДИМЛАРИ БИРИКТИРИЛИБ, ВАЗИЯТНИ ўНГЛАШ Бўйича манзилли чора-тадбирлар амалга оширилимоқда. АЛБАТТА, йил якунига қадар МАҲАЛЛАЛАРДА ТИНЧЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ БАРЧА ИШЛАР МУВОФИҚЛАШТИРИБ БОРИЛАДИ ВА КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТНИ ЯХШИЛАШГА ЭРИШИЛАДИ.

ҳамда энергия ресурсларини талон-тарож этиш, мансабни суистеъмол қилиш ва коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда фош қилишга қаратилган тадбирлар изчил давом эттирилади.

Шу билан бирга, иқтисодий жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, бюджет маблағларини талон-тарож қилиш ҳолатларига қарши курашиш, **“хуфийна иқтисодиёт”**ни шакллантиришнинг турли схема ва каналларини аниқлаш борасидаги ишлар жадаллаштирилиб, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожига тўсқинлик қилувчи ҳолатларни бартараф этиш таъминланади.

Еттинчидан, терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатиш йўли билан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилади. Бу борада фуқароларнинг шахсий ва оилавий сирини, турар жой ва мол-мулки дахлсизлигини таъминлашнинг барча чоралари қўрилади.

Бу жараёнда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя қиладиган, юксак маънавий, психологик сифатларга, таҳлилий фикрлаш қобилияти ҳамда юқори касб кўникмаларига эга бўлган терговчилар корпусини шакллантириш диққатимиз марказида бўлади.

Саккизинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга доир фаолиятни мувофиқлаштириб борилади. Аҳоли-мизнинг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятда йўл қўйилган хато ва камчиликлар юзасидан прокурор назорати кучайтирилиб, улар бартараф этилади.

Шу мақсадда прокурорлар раҳбарлигидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг мувофиқлаштирувчи кенгашилари фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу асосда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларда ҳуқуқбузарликларга мурокасизлик ҳиссини шакллантириш, юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш бўйича тарғибот ишлари жадаллаштирилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Албатта, мамлакатимизда криминоген вазият барқарорлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда биз — прокуратура соҳаси ходимлари, аввало, сизлар билан бевосита ҳамкорликда иш олиб борамиз.

Агарда ҳар бир фуқаро Президентимиз айтганидек, **“Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак”** деган туйғу билан яшаса, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришга ўз ҳиссасини қўйса, қўзланган мақсадга албатта эришамиз.

Шу муносабат билан бу борадаги фаолиятимизда **халқимиздан бизга ҳар томонлама таянч ва суянч бўлишини** сўраб қоламиз. Қонунбузарликларга қарши барчамиз биргаликда кураш олиб борсак, маҳаллаларимиз янада тинч ва обод бўлади.

Фуқароларимиздан ўз тақдирига, ҳаёти ва соғлиғига бепарво бўлмасликни, турли фирибгарларнинг найрангига ўчмасдан, ўз мулкни асраш чораларини кўришини сўраб қоламиз. Қонунларда белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий риоя этиш, ўзгалар ҳуқуқни, мол-мулкни дахл қилмаслик ҳам қонуний, ҳам инсоний бурчимиз эканини доимо ёдда тутишимиз зарур.

Прокуратура органлари, тизимдаги ҳар бир ходим эса зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажариб, инсон, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг барча чораларини кўради.

Ҳурматли юртдошлар, мамлакатимизда қонунни ҳурмат қилиш ва унинг устуворлигини таъминлаш муҳитини биргаликда яратайлик!

Нигматилла Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

Элчи Фурқат СИДИҚОВ:

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ АҚШ БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРАЁТГАН СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИГИ

Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва фаровонликни таъминлашга хизмат қилмоқда

“The diplomat” онлайн-нашрида мамлакатимизнинг АҚШдаги элчиси Фурқат Сидиқовнинг “Ўзбекистоннинг ислохотлар дастури: АҚШ билан икки томонлама муносабатларни мустаҳкамловчи катализатор” сарлавҳали мақоласи эълон қилинди.

Мақолада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йилдан буён демократия, инсон ҳуқуқлари ва бозор сиёсати тамойилларини ўзида мужассам этган, маърифат ва тараққиётга йўналтирилган янги Ўзбекистонни барпо қилар экан, мамлакат улкан ўзгаришларни бошдан кечираётгани қайд этилган.

“Давом этаётган ўзгаришлар осон кечмади, бироқ 2016 йилдан буён Ўзбекистонда янгилашган Конституция ва диний эркинлик тўғрисида янги қонун қабул қилинди, оилавий эъравонликка жиноий жавобгарлик белгиланди, иқтисодий ривожланишга эътибор қучайди, шунингдек, хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш бўйича катта саъй-ҳаракатлар ва бошқа қўллаб-ислохотлар амалга оширилди, — деб ёзган Ўзбекистон элчиси. — Ушбу муҳим ўзгаришлар нафақат мамлакатнинг ички манзарасини яхши томонга ўзгартирди, балки унинг асосий иттифоқчилари ва ҳамкорлари, хусусан, Қўшма Штатлар билан муҳим муносабатларини мустаҳкамлади”.

Нашрда янги Ўзбекистон шаклланишида давом этар экан, Жо Байден маъмурияти яқин ва кенг қамровли

ойидаги давлат таширифидан сўнг АҚШ Конгресси ҳузурида ташкил этилган “Ўзбекистон бўйича кокус” сезиларли даражада кенгайди ва биргина жорий йилнинг ўзида Ўзбекистон парламентининг 10 дан ортиқ делегацияси АҚШда бўлди.

Ушбу мақолада 2016 йилдан буён Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ислохотларнинг асосий бўғинларидан бири бўлиб қолиши учун тинимсиз меҳнат қилаётгани ҳам қаламга олинган.

“Мамлакатимиз ушбу соҳада ақл бовар қилмас тараққиётга эришди. Масалан, Cotton Campaign халқаро коалицияси ўзбек пахтасига нисбатан ўн йиллик бойкотини бекор қилди. Ушбу тарихий қадам мамлакат ичида тўқимачилик саноти ўсишига йўл очмоқда ва АҚШнинг номдор брендлари ва чакана сотувчилари билан ҳамкорлигини ривожлантирмоқда. Ўзбекистонда болалар меҳнатига ва мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам берилиши мамлакат ва Марказий Осиёни тубдан ўзгартаришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар дастурининг бошланиши, холос”, деб ёзган дипломат.



стратегик ҳамкорлиқни таъминлаш демократик ўзгаришларга ва бозор ислохотларига қаратилган ушбу туркум ўзгаришларни олишлагани ва қўллаб-қувватлаганига алоҳида эътибор қаратилган.

Муаллиф шу ўринда АҚШ давлат котиби Энтони Блинкеннинг жорий йил март ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида айтган қуйидаги сўзларидан иқтибос келтирган: “Биз Президент Мирзиёевнинг ислохотлар дастурини тўлиқ амалга оширишини қўллаб-қувватлаш орқали ҳамкорлик имкониятларини кенгайтирмоқдамиз. Ўзбекистоннинг меҳнат ҳуқуқи бўйича эришган ютуқлари бу кун тартиби нақадар ўзгараётган бўлиши мумкинлигини кўрсатади”.

Элчи, шунингдек, 2015 йилда Самарқандда илк марта ўтказилган ва давлат раҳбарлари даражасига чиққан навбатдаги “C5+1” саммити олдидан АҚШ Президенти Жо Байденнинг Шавкат Мирзиёевга йўллаган мактубини амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириб бораётгани далили сифатида кўриш мумкинлигини таъкидлаган.

“Мамлакатдаги ислохотлар Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик учун янги имкониятлар яратмоқда, — қайд этади элчи Фурқат Сидиқов. — Йиллик сиёсий маслаҳатлашулар яқинроқ ва мустаҳкам ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган стратегик шериклик мулоқоти даражасига кўтарилади”.

АҚШ билан алоқаларимиз Конгрессда ҳам яқол намоён бўлмоқда. Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил май

Шунингдек, нашрда янги Ўзбекистондаги қонун устуворлиги билан қўллаб-қувватланадиган бизнес учун қўлай муҳитни яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар АҚШ билан савдо ва сармоя ҳажми ошшишига хизмат қилаётгани қайд этилган.

“Американинг Ўзбекистонда фаолият юритаётган компаниялари сони сўнгги олти йилда икки баробар кўпайди, АҚШ билан умумий товар ва хизматлар савдоси ҳажми бир вақтнинг ўзида уч баробар ошди, — дея таъкидлаган мақолада муаллиф. — Дарҳақиқат, АҚШнинг машҳур Caterpillar, John Deere, CNH Industrial, General Electric, Hilton, Delphos International каби компаниялари Ўзбекистондаги инвестиция ҳажминини оширди. Air Products компанияси эса 1 миллиард долларлик сармояси билан Қашқадарё вилоятидаги табиий газни синтетик газга қайта ишлаш заводида кириб келди”.

Иқтисодий ислохотлар бизнес алоқаларини қандай мустаҳкамлаётганига яна бир ажойиб мисол IT сектори экани мақолада таъкидланган.

“Янги Ўзбекистоннинг АҚШ билан мустаҳкамланиб бораётган стратегик ҳамкорлиги Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва фаровонликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Ушбу динамик муносабатлар кўпроқ эътиборга лойиқ ва биз биргаликда ишлашимиз кераклигини эслатиб туради”, деб ёзилган “The diplomat”да эълон қилинган мақола хулосасида.

“Дунё” АА

Вашингтон

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ:

БИРГАЛИКДА ҲАЛ ЭТИЛАДИГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Самарқандда ўтаётган халқаро анжуман иштирокчилари масалага шундай ёндашмоқда

Бошланиши 1-бетда

Анжуман иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти мурожаат йўллади. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов ўқиб эшиттирди.

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги дунё миқёсида долзарб бўлиб турибди. Ҷўлпаниш, ер деградацияси, сув танқислиги, иқлим ўзгариши каби омиллар ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришни тақозо этмоқда.

ФАО таҳлилига кўра, ҳозир дунё бўйича 2,3 миллиард инсон озиқ-овқат етишмовчилиги таъсирида яшамоқда, уларнинг 566 миллиони ёки 25 фоизи Осиё

қитъаси ҳиссасига тўғри келаётгани бу борада жиддий ўйлаш мавриди келганини аниқлатади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш глобал аҳамиятга эга ва ечим топиши лозим ва шарт бўлган устувор вазифалар сирасига киради. Зеро, у нафақат инсоният тўқ ҳаёт кечириши, балки турмуш тарзини яхшилаш, саломатлигини муҳофаза қилиш ва иқтисодий фаровонлигини таъминлаш учун ҳам замин бўлади.

Бугун дунё миқёсида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш жараёнига илғор ғоя ва ташаббуслар изчил татбиқ этилмоқда. Пировардида ишлаб чиқариш ҳажми



муттасил ортиб борапти. Аини чоғда озиқ-овқат етишмовчилигига учраётган, очлик шароитида қолаётганлар ҳам кам эмас. Бу ҳолат ушбу йўналишда зарур чорабини кўчатиришни тақозо этади. Шу боис, халқаро конференция ўз олди-га очлиқни нолга тушириш вазифаларини муҳофаза этишни мақсад қилган.

Халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар ана шулар ҳусусида фикр юритди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу нуфузли тadbир Ўзбекистонда ўтаётгани бежиз эмас. Бинобарин, Ўзбекистон бу борада ўзига хос амалиётга эга. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислохотлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Яъни мамлакатимиз жаҳон қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари бозорининг муносиб иштирокчиси.

Сўнгги йилларда юртимизда озиқ-овқат етиштириш ҳажмини кўпайтириш орқали ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида экин майдонлари сезиларли даражада кенгайтирилди.

Бундан ташқари, соҳага замонавий технология ва усуллар жорий этилиши ҳосилдорлиқни сезиларли оширишга имкон берди. Энг муҳими, озиқ-овқат хавфсизлиги мустаҳкамланиб, юртдошларимиз сифатли ва арзон қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан таъминланмоқда.

Жумладан, юртимизда 2017 йилда 1 миллион 133 минг гектарга бошқоқли дон экилиб, 6,4 миллион тонна ҳосил олинган бўлса, 2022 йилда 1 миллион 32 минг гектарда 7,2 миллион тонна бошқоқли дон етиштирилган. Гектарига ўртача ҳосилдорлик 69,7 центнерга етиб, етти йилда 13 центнердан зиёдроқ ошди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжаликларига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати аҳоли жон бошига 2017 йилдаги 4,8 миллион сўмдан 2022 йилда 10,2 миллион сўмгача кўтарилган. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги 6 йилда 2,4 баробар ортди.

Бугун заминимизда пишиб етилган маҳсулотлар дунё бозорида ўз ўрнига эга. Таъбир жоиз бўлса, жаҳон бозорининг энг олди ва харидоригр маҳсулотлари сирасига киради. Деҳқонларимиз етиштирган маҳсулотларига даланинг ўзидаёқ буюртма олапти. Бу Ўзбекистон замини, табиати саховатидир.

2016-2022 йилларда 130 дан ортиқ давлатга 7 миллиард долларлик мева-сабзавот ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари экспорт қилинган, ушбу кўрсаткич 2,1 баробар ўсиб, экспорт географияси 51 тадан 81 тага кенгайгани диққатга сазовор.

2023-2030 йилларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ҳозирги 6 миллиард доллардан 12 миллиард долларга етказиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, озиқ-овқат саноати корхоналари сони ҳозирги

22,4 мингдан 30 мингга, маҳсулот ишлаб чиқариш ассортиментини 1 минг 500 тага (амалда 1,1 мингта) етказилади.

Халқаро конференция доирасида ташкил этилаётган турли тadbирлар эса ана шу имкониятни кенгайтириш учун шароит яратмоқда. Чўнки уларда маҳаллий ва хорижлик мутахассислар, олимлар, расмий вакиллар келажак режаларини муҳофаза қилмоқда. Ўзаро фикр ва тажриба алмашмоқда.

Нуфузли анжуман дастуридан Ўзбекистон агроозиқ-овқат салоҳияти кўргазмаси ва I Ўзбекистон агроозиқ-овқат инвестиция форуми ҳам ўрин олган.

Умуман олганда, мазкур конференция жаҳонда ва Марказий Осиё минтақасида озиқ-овқат хавфсизлигининг ҳозирги кундаги ҳолатини ўрганиш, агроозиқ-овқат тизимида Барқарор тараққиёт мақсадлари-2 (БТМ-2)га эришишга тўққили қилаётган айрим муаммоларни муҳофаза қилиш ва ечим топишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Унда дунёнинг етакчи эксперт ва мутахассислари иштирокида 2030 йилгача очлиқни бартараф қилиш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва оқдатланишни яхшилаш, қишлоқ ҳўжалигини барқарор ривожлантиришни ўз ичига олган "ноль очлик" мақсади-га эришиш борасидаги чора-тadbирлар қандай амалга оширилаётгани чўкур таҳлил қилинапти.

Халқаро конференцияда глобал озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида Самарқанд декларацияси қабул қилинди.

"Янги Ўзбекистон" мухбири тadbир иштирокчиларининг халқаро анжуман мавзусига доир фикрлари билан қизиқди:

Азиз ВОИТОВ, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги вазири:

— Озиқ-овқат хавфсизлигига бугун жаҳон ҳамжамияти глобал масала сифатида қарапти. Чўнки геосийёсий вазият, иқлим ўзгаришлари, сув ресурслари камайиши, ер шўрланиши ва бошқа омиллар нафақат бизнинг ҳудудда, балки бутун дунёда муаммо бўлиб турибди. Ушбу долзарб масалани ҳамжиҳатликда яна бир қарра муҳофаза қилишга имконият яратилди. Тажрибаларни ўрганиш ва олдимизда турган вазифалар муҳофаза этилиб, ечим топиш учун биргаликда лойиҳалар ишлаб чиқилади. Конференциядаги саккизта секцияда ҳар бир йўналиш бўйича масалалар кўрилади.



"Ноль очлик"га эришишнинг асосий жиҳатларидан бири мониторинг ҳисобнади. Маҳсулот етиштириш ва уни истеъмол қилишни тўғри йўлга қўйиш керак.

Дунё олимлари таъкидлайдики, агар ушбу ишлар тўғри ташкил этилса, ҳозир дунёда етиштирилаётган маҳсулот ҳаммага етарли бўлади. Бошқача айтганда, очарчилик бўлиши керак эмас. Лекин қайсидир сабабларга кўра узилишлар борки, конференцияда ана шуларга алоҳида эътибор қаратилиб, асосий қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини бир давлатдан иккинчи давлатга етказиб бериш, ягона стандартлар, рақамлаштирилган тизимлар ишлаб чиқилиши масалалари муҳофаза қилинмоқда.

Рустам НИЗОМОВ, Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, профессор:

— Озиқ-овқат хавфсизлиги аини пайтда эътибор талаб қиладиган тармоқ. Чўнки эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бу талабни қондириш учун эса соҳага илмий ишланмалар, илгор ғояларни изчил татбиқ этиб бориш лозим. Шу борада узилиш бўлмаслиги керак. Мазкур конференция мана шу масалаларга ечим топишга қаратилгани билан катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини самарали таъминлашда пахта майдонлари қисқартирилиб, экинларни режали асосда жойлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилишни аини муддао бўлмоқда.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти ва унинг илмий-тажриба станцияларида ҳар йили сабзавот, полиз ва картошқанин 20-25 тури бўйича 32-35 та наван ўрта-

ча ҳисобда 200 тонна оналик сабзавотлар, 25-36 тонна сабзавот, 5-6 тонна полиз экинлари уруғлари тайёрланади.

2023 йилда сабзавот ва полиз экинларининг 24 тури бўйича 34 тонна, картошқанин 300 тонна юқори авлодли маҳаллий уруғлигини тайёрлаш режалаштирилган.

Картошқа дунёда ҳам, Ўзбекистонда ҳам кўп истеъмол қилинадиган маҳсулот. Аинан картошқа етиштириш бўйича Хитой дунёда етакчи.

Фермер ҳўжаликлари ва клас-терларнинг уруғлик картошқага бўлган эҳтиёжини қондиришда имкониятларимиз ҳали етарли эмас. Эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун импорт қиламиз. Шу боис, конференция давомида хитойлик мутахассислар билан учрашишни режалаштирганмиз.

Бундан ташқари, Халқаро картошқачилик маркази раҳбарияти, Туркия ва бошқа давлатлардан келган мутахассислар билан учрашувлар ўтказиш ниятидамиз.

Юртимизда ҳар йили 300 минг гектар ерга такоррий экин сифатида зарур қишлоқ ҳўжалиги экинлари экилади. Булар ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади. Халқаро конференцияда ана шундай тажрибалар алмашилиши ҳар бир иштирокчи учун жуда муҳим.

Цюй ДУНЪЮЙ, БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти бош директори:

— Мазкур тadbирни биз жуда муҳим деб ҳисоблаймиз ва кўллаб-қувватлаймиз. Чўнки озиқ-овқат масаласи ҳаммамиз учун долзарбдир. Мен Ўзбекистонга келганимда бу ерда энг яхши озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилиши ва сабзавотчилик яхши ривожланганини кўрган эдим. Шунинг учун бу минтақа ҳақида алоҳида тушунча эгаман.

Минтақада чўчқ сув ресурслари камайиб бормоқда. Аслида, дунё миқёсида ҳам аҳоил қоникарли эмас. Шунинг учун сув тежовчи технологиялар самардорлигига диққатимизни қаратишимиз керак. Акс ҳолда, катта таназзулга юз тутишимиз мумкин. Шу боис, биз ушбу йўналишга инвестициялар, илгор технологияларни жадал татбиқ этишимиз керак. Бунда айнан қишлоқ жойларга эътиборни қаратиш жуда фойдали.

Минтақа мамлакатларининг денгизга тўғридан-тўғри қиқиш имконияти йўқ. Жумладан, Ўзбекистон дунёга чиқиши учун иккита мамлакат ҳудудидан ўтиши керак. Камчилиқни ечимга йўл сифатида қўришимиз лозим. Бу борада транспорт логистикаси соҳасида ҳам ҳамкорлиқни ривожлантириш зарур.



Шунинг устида ишланса, Ўзбекистон транспорт логистикаси бўйича хаб бўлиши мумкин.

Бу каби масалаларга ечим топиш, узоқ муддатли стратегияларни ривожлантириш ва унга босқичма-босқич эришиш лозим. Ўзбекистоннинг иқтисодий барқарорлиги бунда муҳим аҳамият касб этади. Шунда мамлакат ва минтақа янада ривожланади. Яъни минг йиллар олдин Ўзбекистон цивилизациялар маскани бўлгани каби ҳам иқтисодий, ҳам маданий тарафдан аввалги даражаларига эришади. Албатта, бу ривожланишда қишлоқ жойлар, аграр тармоққа алоҳида эътибор қаратилиши шарт, чўнки буларсиз ривожланиш мушқул.

Франческо ЛОЛЛОБРИЖИДА, Италия қишлоқ ҳўжалиги вазири:

— Мамлакатларимизнинг бир-бирига тақдир қиладиган ғоялари кўп. Биз Ўзбекистонни яхши ўрганиб чиқдик ва қайси соҳаларда ҳамкорлик қилишни белгилаб олдик. Биз учун асосий сифат, бу юқори технологияларга таянилган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланаётган мамлакат сифатида яхши биламиз. Марказий Осиёда қулай географик жойлашувга эга юртингизни жуда муҳим шерик деб ҳисоблаймиз.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мавзусида халқаро конференциянинг ушбу заминда ташкил этилаётгани Ўзбекистон нафақат ўз мақсадлари йўлида дадил ҳаракат қилаётганини, балки глобал аҳамиятга молик масалаларга бефарқ эмаслигини аниқлатади.

Бир неча ой аввал мамлакатларимиз ўртасида қишлоқ ҳўжалиги, чорвачилик



ва илмий йўналишда алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида келишувларга эришдик.

Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти ва ўзига хос урф-одатлари бор. Мазкур жиҳатлар келажакда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришда асос бўлади деган умиддамиз.



Иштван НАД, Венгрия қишлоқ ҳўжалиги вазири:

нади. Жорий йилнинг шу кунигача 41,5 миллион долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилди. Йил охиригача ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобида экспорт салоҳияти-мизни 100 миллион долларга етказишни мақсад қилганмиз.

Мисол учун, "Мароқанд сифат текстиль" корхонамизда 31 минг 476 тонна пахта хомашёси етиштирилиб, ҳосилдорлик гектарига ўртача 37 центнерни ташкил этди. Кластерга тегишли "Иштихон олтин ерлари" фермер ҳўжалиги ер майдонлари тўлиқ томчиллатиб суғориш тизимида ўтказилган. Натижада айрим жойларда ҳосилдорлиқни 55 центнергача етказдик. Кластер таркибида 48 минг тонна пахта дастлабки қайта ишлаш заводи ҳамда 12 минг тонна ип-калага ишлаб чиқариш фабрикаси мавжуд.

Шунингдек, Наманган вилоятида 600 гектар боғни ўз ичига олган "Наманган шарбати" кластери, Сурхондарё вилоятида 850 гектар майдони ўз ичига олган "Сур-

— Бугунги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, озиқ-овқат хавфсизлиги нақадар глобал, муҳим аҳамиятга эга эканини янада теран англаб етдик. Модомки шундай экан, биз бу масалага жиддий эътибор қаратиш, ўзаро тажриба алмашиш, бу жараёнга мутахассису олимлар эътиборини жалб қилишни хоҳлаймиз.

Лойиҳалар муносабатларни янада мустаҳкамлайди. Бир муддат илгари биз университет талабалари алмашинуви ҳақида гаплашган эдик. Бироқ мутахассислар алмашинуви ҳам жуда муҳим. Шу боис, бу ердаги мутахассислар Венгрияда амалиёт ўташи, кейин юртингизга қайтиб келиб, малакали ҳодим сифатида фаолиятини давом эттириши мумкин.

Демоқчиманки, Венгрия Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги вакиллари, мутахассислари билан ҳамкорлик қилишга доим тайёр.

хон олтин меваси" агрофирма кластери ва Самарқанд вилоятида 4 минг 200 гектар ер майдонини қамраб олган "Охалик олтин боғи меваси" кластери ташкил этганмиз. Мазкур мева-сабзавотчилик кластерлари жами 6 минг 109 гектар ерга эга бўлиб, таркибда 3 миллион доллар инвестиция ҳисобида қўчат етиштирувчи "in vitro" лабораториямиз мавжуд.

Халқаро конференция доирасида ташкил этиладиган кўргазмада меҳмонларни лабораториямиз фаолияти билан аяқдан таништироқчимиз. Асосий мақсадимиз лабораториядан интенсив боғдорчиликка хос бўлган соғлом ва тезишар навларни етказиб бериш. Мазкур анжуман бизга ана шундай имкониятни яратиб бергани билан ҳам аҳамиятлидир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири



Дунё олимлари таъкидлайдики, агар ушбу ишлар тўғри ташкил этилса, ҳозир дунёда етиштирилаётган маҳсулот ҳаммага етарли бўлади. Бошқача айтганда, очарчилик бўлиши керак эмас. Лекин қайсидир сабабларга кўра узилишлар борки, конференцияда ана шуларга алоҳида эътибор қаратилиб, асосий қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини бир давлатдан иккинчи давлатга етказиб бериш, ягона стандартлар, рақамлаштирилган тизимлар ишлаб чиқилиши масалалари муҳофаза қилинмоқда.

Бахтиёр ТОШТЕМИРОВ, "Шарқ саноат" концерни бош директори:

— Мазкур анжуманда бугунги кунда кўлга киритилаётган ютуқлар қаторида мавжуд муаммолар, камчиликлар, олдиндаги вазифалар муҳофаза этилади. Шу жиҳатдан у қишлоқ ҳўжалиги иштирокчиларига катта фойда беради.

Концернимиз таркибида 25 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхонаси фаолият юритмоқда. Уларда қишлоқ ҳўжалиги, тў-

қимачилик ва трикотаж, чорвачилик маҳсулотлари, мева-сабзавотлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Уларнинг базасида эса 4 та пахта-тўқимачилик ҳамда 3 та мева-сабзавотчилик кластери ташкил этилган. Уларда 16 минг 300 дан зиёд киши иш билан банд.

Шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даврида йилга 6 мингга яқин мавсумий ишчи жалб қилинади. Корхоналаримиз томонидан ўртача 50 миллион долларлик маҳсулот экспорт қили-

ЁХУД САРСОН ҚИЛИНАЁТГАН ҚЎҚОНЛИК ТАДБИРКОР ХУСУСИДА


ИСЛОҲОТЛАР — АМАЛДА

БУНДА ТАДБИРКОР ҲАМДА ФУҚАРОЛАР КАЙФИЯТИ ЎРГАНИЛАДИ

**Лутфулла СУВОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири**



ЎҚУВЧИ — КЎЗГУ

УНИНГ БИЛИМИДАГИ БЎШЛИК ЎҚИТУВЧИНИНГ САВИЯСИДАН ДАРАК



Яқинда мактабларда таълим сифатини ошириш, ўқувчи ўрнини кўпайтириш ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида миллиятнинг тарбиячилари ва келажагига оид ҳаётий, муҳим масалалар муҳокама этилиб, вазирликлар, мутасадди ташкилотлар раҳбарларига зарур топшириқлар берилди.


Жумладан, муаллимларга малака тоифаси бериш, табақалаштирилган ҳолда малакасини ошириш, директорлар ва ўринбосарларнинг билимини баҳолаш, сертификатциядан ўтказиш, касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича билдирилган мулоҳазалар яна бир бор таълим сифати кун тартибидagi масала эканига ишора қилди. Биз Абдулла Авлоний номидаги Педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти ректори Абдували Исмоилов билан шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Амалдаги тартибга кўра, ўқитувчилар ҳар йили узлуксиз “хаёт давомида ўқиш” тамойили асосида 36 соатлик малака ошириши белгиланган. Бу жараёнда педагоглар ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда масофавий, дуал, мустақил таълим ва малака оширишнинг бошқа мубойил шаклларидан фойдаланади, — дейди А.Исмоилов. — “Хаёт давомида ўқиш” тамойили асосидаги узлуксиз касбий ривожлантириш таълими йўлга қўйилишидан олдин ўқитувчилар даврий равишда ҳар 3-5 йилда бир ой давомида малака оширган. Ушанда ҳар йили кўпи билан 100 мингдан ортиқ педагог малака оширган бўлса, эндиликда амалдаги тизимга кўра, бу жараёнда 450-500 мингга яқин муаллим қамраб олинган. Улар ҳозирда бир хил дастур асосида малака оширади. Олий, биринчи, иккинчи тоифали ўқитувчилар тажрибаси, билими, маҳоратидан қатъи назар, бир хил даражадаги таълим олиш дастури бўйича ўқимокда. Бу эса, албатта, институт педагоглари ва малака ошириш курсида ўқийётган тинловчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлиши мумкин.

Замон ривожланыпти. Табиийки, олдимизга янги талаблар қўйилляпти. Зимманимизга педагогларни табақалаштирилган дастурлар асосида ўқитиш вазифаси юкланди. Бу жараёнда ҳар йили ўқитувчилар малака ошириш курсини режалаштиришдан олдин диагностикадан ўтказилади. Уларнинг касбий билим ва кўникмалари даражаси аниқлаб олинади. Диагностикадан ўтказиш учун эса халқаро тажриба асосида тест ва сўровномалар ишлаб чиқилади ҳамда жорий қилинади.

Билими, маҳорати, тажрибаси нуктаи назаридан юқори даражага эришган педагогларга мустақил таълим олиш имконияти яратилади. Диагностикада паст натижа кўрсатган, бошқача айтганда, касбий билим даражаси пастроқ устозлар эса анъанавий малака ошириш курсига жалб қилинади. Бу орқали нимага эришилади? Ўқитувчиларнинг билими оширилиб, янги методикалар, технологиялар ўргатилиб, фикр, тажриба алмашиш имконияти яратилади. Шу билан бирга, ортада қолаётган муаллимларга ҳам ёрдам берилади. Анъанавий курсга жалб қилиш орқали қўллаб-қувватланади. Устозлар малака оширишга келганда ҳамкасби билан юзма-юз мулоқот қилиши, фикр алмашиши таъминланади.

Бу халқаро ва миллий тажрибамизни уйғунлаштирган ҳолда ишлаб чиқилган таълим, десак бўлади. Ҳозир 450-500 минг ўқитувчи ҳар йили малака оширишга келган вақтда ҳаммага бирдэй эътибор, ҳаммага ўзининг эҳтиёжига қараб таълим дастура-рининг мазмунини етказиб бериш мушкул масала. Бунинг учун уларга қўшимча дарс бераётган ўқитувчиларга ҳам эътибор қаратиш керак. Уларга бошқача мазмундаги контентлар ишлаб чиқиш талаб этилади. Касб савияси ва тоифасига мос, эҳтиёжига асосланган ҳолда таълим бериш масаласи илгари сурилади. Бунда халқаро даражадаги таълимчиларга асосланиб, десак муболага бўлмайди. Жумладан, ўқитувчиларнинг таълим олишини ўқитиш ва баҳолашга қаратилган TALIS дастури бор. Бу дастур Иқтисодий ҳамкорлик ва тарақиёт ташкилоти томонидан жорий этилган. Ушбу дастур ҳисоботига кўра, ўқитувчиларни касбий ривожлантириш курсларида эҳтиёжга асосланган таълим етказиб берилаётгани дунё миқёсида муаммо экан. Бу масала ҳисоботда танқидий



ТАЪЛИМ ОДИМЛАРИ

таҳлил қилинган. Шунингдек, ўқитувчилар касбий ривожлантириш курсига келган пайтда асосий иш жойидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирлар етарлича амалга оширилмаётгани тўғрисида таҳлиллар берилган. Биз ҳам шу таҳлилларга таянган ҳолда янги жорий этилаётган тизимда иш олиб борамиз.

— **Мактаб таълимида бошқарув тизими ҳам ўзгартрилиши соҳада қандай янгилашилларга сабаб бўлади? Жорий йилда ташкил этилган “Директорлар мактаби” фаолияти натижалари хусусида ҳам тўхталсангиз.**

— “Директорлар мактаби” жуда катта аҳамиятга эга. Жумладан, директор мамлакатимизда таълим соҳасидаги илохотлар ижросини жойларда, хусусан, мактабда таъмин этадиган бошқарувчи шахс. Бир сўз билан айтганда, менежер. У бошқарувга оид замонавий билим ва кўникмаларга, юксак ахлоқий ва бошқарув тажрибасига, ахборот-коммуникация технологияларини фаолиятида қўллаш, шунингдек, жамоада ишлаш, ижодий ва педагогик таълим муҳитини ярата

олиш, ўқитувчиларни, жамоани бирлаштира олиш компетенцияларига эга бўлиши назарда тутилади. Энг асосийси, ота-оналар билан ишлаш, халқ билан мулоқот қилиш малакасини эгаллаган бўлиши шарт.

Олдимизга “Директорлар мактаби” да директорликка тайинланадиган шахсни махсус тайёрларгидан ўтказиш вазифаси қўйилляпти. Директор лавозимига номзодлар бизнинг институтда бир ой давомида айнан менежерлик курсида ўқитилади. Ўқиш давомида ҳам назарий, ҳам амалий кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Амалий кўникмани ошириш учун уларга Тошкент шаҳридаги энг тажрибали мактаб раҳбарлари бириктирилади. Уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш орқали илгор тажрибаси ўргатилади. Курс якунида тест саволлари орқали директорликка номзодларнинг билими, муаммолари вазиятда ҳаракат қилиш, узок муددатли стратегияни ишлаб чиқиш ва тақдим эта олиш каби кўникмалари баҳоланади. Шундан кейингина уларга сертификат тақдим этилади. Сертификат олган мутахассис дарров директор бўлиб қолмайди. У фақат директорликка номзод сифатида танловда қатнашиши мумкин.

Директорликка номзодлар эса ҳудудлардаги энг тажрибали, обрўли, эътиборли мутахассислардан шакллантирилади. У “Директорлар кенгаши” томонидан танлаб олиниши кўзда тутиляпти. Бунда менежерлик сертификатига эга шахсни асл номзод сифатида қабул қилиш даражаси унинг малака талабига киритилмоқда. Махсус тайёрларгидан ўтган ва менежерлик сертификатига эга номзодгина директор бўлишга даъвогарлик қилиши мумкин. Бу нима беради? Бу, биринчи навбатда, мактаб бошқарувида махсус тайёрларгидан ўтган, юксак билим, маҳорат, илгор тажриба каби керакли кўникмаларни эгаллаган ва таълим сиёсатини яхши тушунган ҳамда уни жорий эта олишга қайсидир маънода ишонч билдирилган шахсга мактабни ишониб топшириш имкониятидир. Мактабдаги таълим сифатини ошириш, бошқарув муҳитини яхшилаш ва ўқувчиларга сифатли таълим олиш шароитини яратиб беришга замин яратади.

— **Бундан қандай натижа кутиляпти?**

— Йиғилишда олдимизга аниқ вазифалар қўйилди. Улар ихросининг таъминлини кўп муаммоларга ечим бўлади. Масалан, тайёрларгидан ўтказилган шахсини директор қилиб тайинлаш орқали мактабдаги муҳит яхшиланишига эришилади. Бошқарув самарадорлиги, мактабнинг жозибадорлиги ошади. Мактабга тажрибали, маҳоратли устозларни жалб қилиш имконияти яратилади. Қисқаси, педагоглар жамоаси ва ота-оналар билан ҳамжиҳатлик, аҳоли билан маслаҳатлашиб, ҳамфикр бўлиш орқали мактаб бошқарувини тўғри йўлга қўйишга ёрдам беради. Бу эса таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Ҳозир тез ривожланиб бораётган жамиятда яшапмиз. Бу эса кун сайин олдимизга янги талаблар, янги вазифалар қўйляпти. Ҳар биримизни қайси соҳада, қайси ташкилотда, қайси лавозимда фаолият юритмайлик, изланишга, олдинга интилишга, янги-янги муаммоларга янги-янги ечимларни қидиришга ундамоқда. Бу лавозимга келишдан олдин таълимда халқаро тадқиқотларни жорий этиш бўйича масъул вазифада ишлаганман. Ушанда Халқаро таълимдаги ютуқларни баҳолаш уюмчаси билан биригилганда саводхонликини баҳолаш дастурини жорий қилганимизда биргина бошланғич таълимда ўқувчиларимизнинг ўқиб тушуниши халқаро ўртача даражага ҳам етмаётганини кўрдик. Бу лойиҳада 57 давлат қатнашган бўлса, уларнинг ичиде биз қутилган натижагача анча қадамни босиб ўтишимиз кераклиги таҳлилларда аён бўлган. Бу таҳлиллар халқаро даражада, бир хил ўлчов асосида жорий қилинган тадқиқот натижасини кўрсатган



Энди аттестация ҳамда сертификат олишга қаратилган синов натижасига кўра, беш йиллик муддатли шартнома асосида директорларни ишга қабул қилиш тизими жорий этилади. Бу дегани, айтилйик, мутахассис менежерлик сертификатини олган тақдирда ҳам лавозим унга умрбод берилмайди. Беш йилдан кейин унинг билими ва салоҳияти яна бир синовдан ўтказилади. Ҳақиқатан, ўзи ишлаб турган жойга лойиклиги, иш самарадорлиги, олдида қўйилган вазифаларга эришгани баҳоланади. Шундан кейин унга яна касбий сертификат тақдим этилади. Сертификатни олган директор билан кейинги беш йилга ҳам муддатли шартнома тузиш мумкин. Бу эса директорларни ўз устида муттасил ишлаш, олға интилиш, ривожланиш, пўнда айтганда, таълим сифатини ошириш учун бел боғлашга ундайди.

— **Бундан қандай натижа кутиляпти?**

— Йиғилишда олдимизга аниқ вазифалар қўйилди. Улар ихросининг таъминлини кўп муаммоларга ечим бўлади. Масалан, тайёрларгидан ўтказилган шахсини директор қилиб тайинлаш орқали мактабдаги муҳит яхшиланишига эришилади. Бошқарув самарадорлиги, мактабнинг жозибадорлиги ошади. Мактабга тажрибали, маҳоратли устозларни жалб қилиш имконияти яратилади. Қисқаси, педагоглар жамоаси ва ота-оналар билан ҳамжиҳатлик, аҳоли билан маслаҳатлашиб, ҳамфикр бўлиш орқали мактаб бошқарувини тўғри йўлга қўйишга ёрдам беради. Бу эса таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Ҳозир тез ривожланиб бораётган жамиятда яшапмиз. Бу эса кун сайин олдимизга янги талаблар, янги вазифалар қўйляпти. Ҳар биримизни қайси соҳада, қайси ташкилотда, қайси лавозимда фаолият юритмайлик, изланишга, олдинга интилишга, янги-янги муаммоларга янги-янги ечимларни қидиришга ундамоқда. Бу лавозимга келишдан олдин таълимда халқаро тадқиқотларни жорий этиш бўйича масъул вазифада ишлаганман. Ушанда Халқаро таълимдаги ютуқларни баҳолаш уюмчаси билан биригилганда саводхонликини баҳолаш дастурини жорий қилганимизда биргина бошланғич таълимда ўқувчиларимизнинг ўқиб тушуниши халқаро ўртача даражага ҳам етмаётганини кўрдик. Бу лойиҳада 57 давлат қатнашган бўлса, уларнинг ичиде биз қутилган натижагача анча қадамни босиб ўтишимиз кераклиги таҳлилларда аён бўлган. Бу таҳлиллар халқаро даражада, бир хил ўлчов асосида жорий қилинган тадқиқот натижасини кўрсатган

**“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рисолат МАДИЕВА
суҳбатлашди.**

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ЧЕТ ЎЛКАНИНГ ГУЛЗОРИДАН ЧЎПУ ХАСЛИ ЕРИМ ЯХШИ...

Одам боласи борки, кўз очиб кўрган, киндик қони томган ерни муқаддас билади, саждагоҳ каби ардоқлайди. Унинг гули ҳам, тикани ҳам азиз ва суюкли. Гарчанд сайёрамиз одамзод учун умумий Ватан бўлса-да, ўзга юртда меҳнат қилиш оғир. Меҳнат оғир бўлмаслиги ҳам мумкин, аммо фироқ юракни тимдалайди, соғинч кишини руҳан эзади.

“Мусофир юртда, турли қийинчилик ва машаққатларга чидаб, ҳалол меҳнат қилиб, нон топиш осон эмас. Хорижда бундай шароитда яшаб келаётган одамларимизни ҳақиқий қаҳрамон десак, тўғри бўлади. Чет элларда тажриба ва малака оширилмоқда. Мақсад — фарзандлар ота-оналарига бағрида улғайиш, ҳар ким она Ватан бағрида умр кечирсин!

Дастлаб Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти ҳокими Зоир Мирзаев меҳнат мигрантлари билан оқимини мулоқот ўтказди. Унда шу вилоятда тутилган, айна кунларда эса хорижда меҳнат қилаётган юртдошларни Ватанга қайтариш ва уларни муносиб даромад манбаига эга қилиш чоралари қўрилиши билдирилди.

Орадан ҳафта ўтиб, Нурафшон шахри ҳокими Илҳом Қиличхонов чет элда меҳнат қилаётган шахарликлар билан мулоқот қилди.

Бугун 1395 нафар нурафшонлик дунёнинг турли бурчларида меҳнат қилмоқда. Уларнинг 853 нафари эркак, 533 нафари аёл. Меҳнат муҳожирларининг 323 нафари 30 ёшгача бўлганлар. 2023 йилнинг ўтган 7 ойида хориждаги нурафшонликларнинг 173 нафари Ўзбекистонга қайтди. Айна пайтда уларнинг 132 нафари доимий иш билан таъминланган.

Сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, идора ва ташкилотлар бошлиқлари, шаҳарда фаолият юритаётган йирик корхоналар мутасаддилари, маҳаллалар масъуллари қатнашган мулоқотда шаҳар ҳокими муҳожирларнинг доимий иш, уй-жой билан таъминлини, имтиёзли кредит, субсидия олиш масалалари бўйича саволларига жавоб қайтарди.

Нурафшонлик, айна пайтда Қозон шаҳрида меҳнат қилаётган Бахтигул Раззоқованинг таъкидлашича, у Янгибод маҳалласида ўзи учун бир қаватли дўкон ва хомийлик асосида маҳалла идорасини қурган. Аммо собиқ ҳокимнинг уч-тўрт йил аввал чиқарилган ноқонуний қарори туфайли кўчмас мулк унинг номига тўлиқ расмийлаштириб берилмаган. У ҳокимдан дўкон қурилишини якунлаш, ҳужжатларини расмийлаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда она Ватанга қайтишда кўмак суради.

— Ватанимга, фарзандларим бағрига қайтишга ёрдам беринг. Она туғургимни соғиндим. Дўкон, деб ҳамма пулимини сарфладим, шу дўконимни очсам, бу ерларда кўча супуриб, пол артиб юрмасдим, — деди у.

— Сизга ваъда бераман. Ёнимда прокурор ўтирибди, муаммонини биргаликда ҳал қиламиз. Эртага қизингиз билан учрашаман, ҳужжатларингизни қонунан расмийлаштирамиз, — деди ҳоким.

Онлайн мулоқотда Россия, Туркия ва бошқа давлатларда меҳнат қилаётган нурафшонликларни Ватанга қайтариш, доимий иш билан таъминлаш, шунингдек, уларга уй-жой олиш учун субсидия ажратиш, имтиёзли кредит бериш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга ёрдамлашиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.



Ўрта Чирчиқ туманида ҳам худда шундай видео-мулоқот бўлиб ўтди. Туман ҳокими Ихтиёр Қосимов хориждаги меҳнат мигрантларини худуддаги корхона ва ташкилотларда очилаётган янги иш ўринлари, меҳнат шартлоари, ёшлар, аёллар ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирди.

Шундан сўнг хорижда ишлаётган шу туманликлар билан тўғридан-тўғри мулоқот бошланди.

— Уй-жой масаласидаги қийинчиликлар сабабли шу ерларга келиб, жонимни жабборга бериб ишлаб юрибман, — деди Москва шаҳрида ишлаётган Чангтепа маҳалласилик Мўминмирозо Исмоилов. — Қани эди, оилам бағрига қайтсам.

У мулоқот давомида 2008 йилдан бери янги уй қуриш учун хорижга қатнаб ишлаётгани, аммо масаласи ҳал бўлмаётганини айтarkan, ҳокимдан субсидия олишда ёрдам суради.

— Шу масала ҳал бўлса, эртагаёқ уйга қайтардим, — деди у.

Ҳоким субсидия ҳамда банкнинг узок муддатли кредити орқали уй-жой олиш борасида имкониятлар кенглиги, 2023 йилнинг ўтган даврида туманда 80 нафар фуқаро айнан ана шу орқали уй-жойга эга бўлганини айтиб, тумандаги мавжуд иш ўринларидан бирига жойлаштириш туфайли масалани ҳал этиш мумкинлигини билдирди.

Шунингдек, Россияда ишлаётган Маъруф Худойқулов, Феруза Хужаймукова, Туркияда ишлаётган Юлдуз Хўсанбоева, Қозғистонда ишлаётган Лайло Уролова ва бошқа бир неча урта чирчиқликлар ҳокимдан уй-жой қурилиши масаласида ёрдам суради.

Истанбул шаҳрида ишлаётган Ирода Носирова, Подольск шаҳрида ишлаётган Раҳматилла Ибодов, Сочи шаҳрида ишлаётган Гулнора Саидова, Қозғистонда меҳнат қилаётган Жамшид Алиев ва бошқалар яхши маошли иш бўлса, дарров юртга қайтишга тайёр эканини айтиди.

Мулоқотда қатнашган тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, янги барпо этилган корхоналар мута-

сатдилари меҳнат мигрантлари билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиб, уларни ишга тақлиф этди.

Бир неча киши туман раҳбарларидан тадбиркорлик, деҳқончилик, боғдорчилик фаолияти учун ер майдони ажратиш бўйича ёрдам суради. Жумладан, туманининг Истиқлол маҳалласидан Россияга ишлаш учун кетган Жамшид Уролов уйи олдида бўш ер майдони борлигини, агар ерга эғалик ҳуқуқи берилса, ўша жойда бог ташкил этишини билдирди.

Туман ҳокими бўш ер майдонларига эғалик масаласида ҳеч қандай муаммо йўқлиги, ерлар аукционга қўйилиб, талабгорлар уларни хоҳлаган жойдаги ерларга эга бўлиши мумкинлигини, ҳозирга қадар 1280 гектар ер майдони фуқароларга ажратиб берилгани ва яна 160 гектар ер аукционга қўйилишини айтди.

— Менга ҳам яхши иш жойи ва имкони бўлса, ер керак, — деди ваёалоққа мулоқотда Юқоровул маҳалласидан Россияга ишлаш учун кетган Икром Ўтакулов. — Иқтисодий қийинчиликлар сабаб хорижда ишлаб юрибман. Бизга шундай имтиёзлар берилаётганини эшитиб, қувондим. Ота-онам, фарзандларим бор. Уйимга, она юртимга қайтишни жуда ҳам хоҳлайман.

Хориждаги ватандошлар билан видео-мулоқот шунииси билан фойдаланиб, туман, шаҳар ва вилоят раҳбарлари хорижда ишлаётган юртдошларимиз ҳаёти билан бевосита танишляпти. Уларнинг муаммоларини ҳал этиш йўллариини изляяпти. Илкони бўлса, уларни юртга қайтариш чораларини қўрляпти.

Ватан, бу — отамиз, онамиз, ака-ука, опа-сингилмиз, болаларими! Ватан умримизнинг энг ширин ва тотли лаҳзалари ўтган муътабар макон. Бўстонлик шоир Сидкий Хондайликий ёзгандек:

Жоним — Ватан, таним — Ватан,

қўзим — Ватан,

Эсдан чиқар они кўргон кўргон ерим...

Чет шаҳарини гулзоридан кўзга яхши,

Уроқ бирла хору хасин ўргон ерим...

**Отабек ИСРОИЛОВ,
Ўзбекистон Журналистлари
уюшмаси аъзоси**



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



yuz.uz_news

“ЎША ЖОНМАН, ЎША ҚОНМАН ВА ЎША ШОНМАН”

Давлатимиз раҳбарининг “Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорида кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида Россия Федерацияси Кемерово вилоятининг Мариинск шаҳрида Усмон Носир хайкалини ўрнатиш ва ушбу тарихий воқеага бағишланган тадбирни ўтказиш белгиланган эди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Бадий академия масъул ходимларидан иборат делегация аъзолари шу йилнинг 3-5 сентябрь кунлари Мариинск шаҳрида Усмон Носир хайкалининг очилиш маросимида иштирок этиш учун олис Сибирь ўлкасига ижодий сафар қилди.

Делегация аъзолари Новосибирск шаҳридаги Толмачёво халқаро аэропортига етиб келганида, уларни Ўзбекистоннинг Новосибирскдаги консуллиги ва Ташки меҳнат миграцияси агентлигининг Новосибирск шаҳридаги вакиллари кутиб олди. Усмон Носир “Нахшон” дostonида таъкидлаганидек, “Болларга намозгар салқини тушган” эди. Новосибирскдан Кемерово шаҳригача уч юз чакиримга яқин масофани босиб ўтганимизда маҳаллий вақт билан соат тунги бирдан ошганди. Аслида, бизнинг эртанги кунимиз бошланиб, қалбдан ва руҳан қаттол тақдирнинг ҳукмига кўра олис ва қаҳратон ўлкаларга қатагон қилиниб, умри увол кетган шоиримиз Усмон Носир шеърятини билан суҳбатлашмоқда эдик.

*Кўз тутдим,
Кўзларим нигорон бўлди,
О, Дилбар,
Синбарим, юзлари қирмиз,
Китриги кўксига
Соя солган қиз,
Кўз тутдим,
Юрашим тўла қон бўлди.*

Бир ноҳақликка ҳеч ақл бовар қилмайди: йигирма беш яшар, ҳали ўн гулдан бир гули ҳам очилмаган ўсим ва навиҳол, ҳаётга ошиғу ошuftа шоир боланинг қўлдан нима ҳам келардики, темир пан-жарали, қудратли ва зулмкор империя



уни пўлат чангаллари билан ўз киндик қони тўкилган азиз тупроғидан айириб, уч минг чакиримлар йироқ гадойтопмас бир қаҳратон чангалзорлар қаърида минг бир азоб ва машақатларга дучор этиб, но-касларча нобуд қилса?!
Дунё ўз меҳваридан чиқиб кетса, ту-шуниш мумкиндир, лекин бундайин жа-ҳолат ва ёвузликка уриб ўлдирсангиз ҳам сира ақл бовар қилмайди. Золим замоннинг бу нобакорлигини Усмон Но-сирнинг ўзи ҳам тушунмай, минг йиллик қарагай ва эманларнинг белини ҳам қар-силлатиб синдирган қаҳратон аёзлар ру-тубатли балчиқ ва ботқоқлар аро но-зик майсадек жувонмард бўлиб кетгани кишига алам қилади!

*Аямасим ёшлугимдан кунларимни,
Нокасликни раво кўрмай, севинтирдим.
Чунки унга юрагимда ўлиб қолган
Болалигим эркалигим тириктирдим.
Ёшлугимнинг саргузашти бениҳоят,
Бисоти ҳам тасодифга тўлиб битган...
Кейин билсам, тасодифлар зарур экан,
Ходисани етакларкан сабабият.*

Дарҳақиқат, Усмон Носир ҳеч кимга нокасликни раво кўрмай, фақатгина бир орзу-армон учун яшагандек, яъни ҳаётга шайдолик, табиат ва тирикчилик меҳру муҳаббатини шеърый оҳанглар орқали,



назмиёв наволар билан куйлашни ният қилган, холос. Шугина ниятини ҳам рўёбга чиқаришни раво кўрмаган замон ва тузум-га нима дейиш мумкин?! Ҳолбуки, навки-рон шоир “уйғоқ тунлар қаъридан пишган гилослардек сўзлар” термоқчи эди.

...Мариинск шаҳрида 2009 йилда қа-тагон қурбонлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуи худуди марказида ўрнатилган Усмон Носир хайка-ли очилиш маросимига давлат ва жамоат ташкилотлари, Новосибирск шаҳридаги консуллигимиз, Ташки меҳнат миграцияси агентлиги, делегациямиз вакилларида ташкири Кемерово олий ўқув юртиларида тахсил олаётган ўзбекистонлик талаба ёш-лар, шу ўлкада фаолият юритаётган ватан-дошлар, турли соҳаларда меҳнат қилаёт-ган элдошларимиз, маҳаллий ҳокимият масъуллари ва аҳоли — мактаб ўқитувчи-лари, маданият муассасалари ходимлари ҳамда адабиёт ихлосмандлари йиғилган.

Усмон Носир хайкали ижодкори — рус хайкалтароши Константин Зенич билан суҳбатлашдик. Хайкал Ўзбекистон Ба-дий академияси билан бамаслаҳат, ҳам-корликда ишланган.

Йиғилганлар қатагон қурбонлари хоти-расига бағишланган ёдгорлик мажмуи ва музейдаги тарихий далил-ашёлар ҳамда ҳужжатлар билан танишдилар.

Тадбирни Кемерово вилояти губерна-

Ахмад Тўра олган суратлар.



тори Сергей Цивилёв кириш сўзи билан очди.

Вилоят раҳбарининг сўзлари ғоят таъсирчанлиги ва хайрихоҳлиги билан йиғилганларни ҳаяжонлантирди. Гап шундаки, губернатор жаноблар-нинг сўзига кўра, бундаги машъум лагерларда ўша пайтлар маршаллар,

генераллар, оламга донғи кетган фай-ласуф донишмандлар, ижодкорлар хору зорликда “халқ душмани” сифа-тида жазо муддатини ўтаган. Аммо ҳозирги кунгача Усмон Носирдан бош-қа бирор маҳкуми билмаймизки, юрт-дошлари ё уруғ-аймоқлари сўраб кел-ган бўлса... Боз устига, номи-ёдини эъзозлаб, хайкалини ўрнатиш бўйича ибратли, хайрли савъ-ҳаракатлари би-лан маҳаллий ҳокимиятга муурожаатлар қилган бўлса... Демакки, бу шоирнинг эзидан, изидан сўраб-суриштириб кела-диганлари, Ватани, миллати бор экан-да! Мен бу ўринда янги Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришлар, инсон қадри, янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун кечаётган оламшумул ислохотларни назарда тутмоқдаман.

Ўзбекистоннинг Россиядаги элчиси Ботиржон Асадов хайкалнинг очилиш ма-росимида сўзга чиқиб, Усмон Носирнинг ўзбек адабиёти ривожигаги ўрни ҳақида,

Хайкал очилиши ва унинг пойига гул-лар қўйиш жараёни, айнқса, ҳаяжон-ли лаҳзалар, дардли ва соғинчли кўз ёшларга, изҳор ва эътирофларга тўла бўлди. Йиғилган жамоатчилик бир ўзбек шоирига орадан юз йиллар ўтиб кўрса-тилаётган ҳурмат ва эҳтиромдан бени-ҳоя таъсирланди. Беихтиёр булбулзабон куйчининг ўзи битган мағрур сатрлар кўнгилдан кечди:

*Келажагим обидасин қурсан инсонман,
Ўша жонман, ўша қонман ва ўша шонман.*

Сафаримизнинг энг дардли ва изти-робли саҳифаси яқинлашмоқда эди. Яна бир ниятимиз Мариинск шаҳридан тахми-нан ўн беш-йигирма чакирим чеккадаги ботқоқлик ва қуюқ чангалзор бағрида қа-тагон қурбонлари умуммозоротида дафн этилган Усмон Носир қабрини зиёрат қи-лиш, шу баҳонада марҳумлар руҳига дуо-ий фотиҳа ўқиб кетиш эди.

Манзил сари ўрмон ва ботқоқликлар аро қийин ва машаққатли йўлни босиб ўтдик.

Қуюқ қайнзор орасида мунгайибгина турган қабр тепасига келдик. Манзара ни-ҳоятда мунғул ва қайғули. Дарахтлар сар-ғая бошлаган, кўз баргезони яқин. Шусиз ҳам ерга тўкилган сариқ барглр, апроқ-лар ҳазон бўлган умрларни эслатади...

Кемерово вилояти мусулмонлари диний бошқармаси бошлиғи Тоҳир қори Бекантаев қурбонлар хотирасига Куръ-он тиловат қилди. Ўзбек делегацияси вакиллари ҳам дуойи фотиҳа ўқиди.

Бу мискин маъвога қирқ йиллар аввал келган ижодкорларимиз айтиб берган дардли манзараларни ўз кўзимиз билан кўриб турган эдик. Кўзларга ёш қалқди. Марҳум Муҳаммад Юсуфнинг изтиробли сатрлари айна ўша дардли лаҳзаларда битилган эди:

*Кўлинг қадоғига босай юзимни,
Онамсан-ку, отир олма сўзимни.
Қайинларга айлиб “Қаро кўзим”ни,
Сибирларда қолган Усмонларинга бор!*

У замонлар эскирди. Усмон Носир энди ёлғиз эмас. Бу элларда фаолият юритаётган Ўзбекистон консуллиги ва-киллари, ўзбекистонлик тadbirkorлар, ватандошларимиз, олий ўқув юртилари-да таълим олаётган ёшларнинг қадами бу зиёратгоҳлардан узилмаслиги тайин. Яратган барчаларини ўз паноҳида асра-син. Дунёмиз тинч бўлсин!

**Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси раиси**



ХОТИРА УЙҒОНСА ҒЎЗАЛ

“ЭШИГИНГДАН ЎТУРМАН БИР КҮН” ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ОМОН МАТЖОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

XX аср ўзбек адабиётининг забардаст вакилларида бири Омон Матжон 60-йилларда шеърятга кириб келган бўлса, то умрининг охирига қадар ўз ижод этиқоидига, сўз масъулиятига содик қолиб, шу мустақил юртнинг шон-шухратини, ажодлар томонидан қолдирилган бебаҳо меросини мадҳ этди.

Унинг ҳар бир шеъри она Ватанга му-ҳаббат, соҳават, меҳр-оқибат, садоқат ришталарини тарангун қилишга қаратил-ди. Имон-этиқод, ҳалоллик ва поклик, адолат каби ўлмас мавзуларни турли шаклларда намоён қилди. Илк шеърый тўпламидан то умрининг сўнгига қадар битган ижод намуналарида ҳеч бир ижод-корда учрамайдиган оҳорли ташбехлар, ўйлар ва фалсафий-эстетик теранлик би-лан ўзига хос мактаб йўлини босиб ўтди. Муҳаббат, дўстлик, Ватан, ёр ва бошқа кўплаб ўлмас мавзуларда Омон Матжон баъзан ўз қалбининг ботинидаги инсоний гўзаллигини, соҳаватни алоҳида феномен даражасига олиб чиқиб ижод қилди.

Унинг “*Ҳар гал, Ҳар шеъримда, Ҳар телганд қалб — Ўзим ўз қалбимнинг белгаси Колумби*” каби мисраларида кў-ришимиз мумкинки, инсон тирикчили-гининг мазмуни, кашф этиш нақадар бахт эканлигини, ўз ҳаёт тамойиллари билан баралла сўз айтиш муҳимлигини уқтир-моқда. Қалбни кашф қилиш эса жуда му-раккаб масала. Шоир айна шунинг учун ҳам ўзига ўзи ушлубий йўл очишга кўзи етанглигидан далолат бермоқда.

Омон ака бир суҳбатда шундай сўз-ларни айтганди: “Мен ҳеч ўйлаган эмас эдим, Мирзо Улуғбекдан кейин илм ва санъат ахлини, адабиётни севиб кадрлайдиган подшоини учратиш насиб

қилармикан, деб умид қилардим. Хай-рият, мен буни амалда кўрдим. Прези-дентимиз Шавкат Мирзиёев ижод аҳлига алоҳида эътибор кўрсатиб, ғамхўрлик қилиб, уларнинг аҳолидан хабар олиб, бутун мамлакатимизда ижод мактабля-ри, адабиёт кутубхоналарини ташкил қилишга фармон берди. Булар эртанги авлод учун биз кўрмаган улуг ниятлар-ни қадрлаб яшашга ўргатади. Аслида, бизнинг авлод мустақиллик учун жанг қилмаса-да, ўзининг шеърлари, ижодий изланишлари билан халқ руҳиятини кў-тариб, мардона меҳнат қилди”.

Ҳақиқатан, бу ибратли мулоҳазалар. Зеро, фидойи инсонларни, эл-юрт тинч-лиги, равнақи учун ҳаётини бахшида эт-ганларга тирикчилигида эътибор қаратиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш зату мақсад-ларимизнинг бардавом бўлишига хизмат қилади.

Адабиётшунос Баҳодир Каримов бир мақоласида шундай таъриф беради: “Омон Матжон файласуф шоир ўлароқ шеърлари мағзига ҳикмат жойлайди. Ҳикмат ижодкорнинг фаҳми, фаросати, идроки, тафаккур тарзини кўрсатади.” “Ёл-гоннинг тахтдаги юз йил даврони, Ҳақиқат айтилган бир дамча йўқдир”. “Нафс, бу — абадий қулликнинг боши...” Бу ҳикматлар мақол китобларидан олинган иқтибослар эмас, бу ҳикматлар шоирнинг ўз адабий



идроки билан анлаган ҳаёт ҳақиқатла-ридир. Шоирнинг қўшиқ бўлиб қуйланган шеърлари ҳам кўп”. Дарвоқе, мана шу ба-ҳонинг ўзиёқ Омон Матжоннинг ҳақиқий тўғма талант, истеъдоди ва маҳоратининг нақадар улуғлигини, ўткир фалсафасини кўрсатиб турибди.

*Сен кетурсан, изингдан —
Мен бокурман жим-жим.
Менга қолди кўзинингиз
Қаролиги тим, тим.
Қаро энди кунларим,
Қаро энди қисматим.
Кўзим қаролиғида ҳам
Ёшим энди лим-лим.*

Шеърга эътибор берилса, ўз маҳбу-басига айтолмаган изҳори тагида жим-

лик яширинган. У кетаётган ёрга қараб, ҳеч қурса, бирор сўз айтиши лозим эди. Муҳаббатнинг ноёб бир сезги эканини, у юракда бўлиши муҳимлигини, ҳа деганда юзага чиқарса қадри бўлмаслигини на-зарда тутиб, кетаётган ёрга қараб “Мен бокурман жим-жим”, дея нола қилади ва шу йўсинда ўзининг руҳий оламини муҳо-фазалайди. Ўз навбатида, маъшуқа ке-таётиб орқасига уғрилади: “Менга қолди кўзинингиз Қаролиги тим, тим”, деганида ўша нигоҳлардаги маънос бокшлар та-гидаги қорачида акс этган ишқ рози ошиқ кўзига тушади. Мана шу ўхшашни эса Омон Матжоннинг поэтик маҳорати нақадар юксаклигидан далолат бермоқ-да. Ўша кўзга тушган қорачидаги айри-лик нигоҳи, шоирнинг қисматига айланиб, унинг ботинида кўнлари ва тунлари қаро бўлиб, биргина ҳаётини тубдан ўзгарти-риб юборишга сабаб бўлади. Мана шу жараён шоир руҳониятининг зиддиятлар орасида қолган муҳаббат симфонияси-дан дарак бераётгани шубҳасиздир.

Ҳар қандай шеър маълум бир кайфият мевасидир деб, бежиз айтишмаган. Чун-ки шеърнинг ёзилиш тарихи, яратилиш жараёни, унга илҳом берган манбаи — сабабкори бўлади. Ҳақиқий тўғма истеъ-долларгина ана шундай нозик вазиятдан ҳам гўзал шеър топа олишига шак-шубҳа йўқ. У ёшлугидан Навоий, Бобур, Оғаҳий, Машраб ва Мунисни кўп мутлоаа қилиб, XX аср адабиётда Чўлпон бошлаб бер-ган анъанани янада баланд пардаларга олиб чиқди. Ўзининг тенгдошлари Э.Во-хидов, А.Орипов, Р.Парфи каби улуг шоирлар қаторида ном қозонган ҳолда, ўзига хос ижод йўлини, услубини, ўз ово-



зини яратди. Ўзининг индивидуал, шира-ли ва оҳанги ва куйи билан туғилдиган гўзал қалб изтиробларини шеърга айлан-тиришга мушарраф бўлди:

*Кўз ёйса ҳам юлларга хазон,
Қор қўйса ҳам борлиқни бутун,
Кўлмак келиб, урса ҳам хандон,
Эшигингдан ўтарман бир кун.
Сочларингга тушса ҳамки оқ,
Пешонангни босса ҳам ажин,
Қирғанда ҳам гавдамега титроқ,
Эшигингдан ўтарман бир кун.*

Мазкур шеърда шоир инсон руҳияти фасллар билан бирга ўзгарувчанлигини талқин қиларкан, шоирнинг оний ва руҳий кечинмалари ҳақиқатан ёшлиқдаги поки-за муҳаббатга талпиниши, унинг нақадар

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН
МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**



**Отажон НОРОВ,
доцент**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

**МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмамлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун бўянаги расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.
43555 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусаҳҳир: Рашид Ҳўжамов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 23:50 Топширилди — 00:45